иборат эдики, Абдулла Орипов та-рихини ҳам, ҳозирги замон ўзғариш-ларини ҳам теран тушунади, ҳамма нарсасга дарҳол баҳо беради. Боз устига, устозим — улуғ ёзувчи Абдулла Қаҳҳор бўлса сўхбатлар териб чиқишни яхши кўради. Мен ўша гал кўпроқ туркий халқлар-нинг ўтмиши, улар орасида ўз элимнинг тутган ўрни тўғрисида ўйлар эдим. Туркий халқларнинг қадимий келиб чиқиш тарихи, тақдирини, уларнинг ўзаро билири-ги ҳақида ўқиганларим, ёшлимим-да қарилардан эшитганларим ривоятларни кўз олдимга келти-ришга ҳаракат қилардим. Тарихий китобларда ўқиганларим бўйича одамларнинг бир-бирига қўшма яшашликлари, ёвузликла-ри, ёмонликлари ҳаёлимда гала-ён кўтариб, ўзимни ўт билан сув орасида қолгандек ҳис этардим.

«Бир турк минглаб ҳинди англа-лар тул-тузуқ, Лек ҳеч бир-бирин англамас икки турк», деб таъкидлар эди.

Шундай пайтларда Устоз узок ўйга чўшиб ўтирарди ва охири яна қўшимча қиларди: «Мабодо сен ҳам фарзўйларга дуч келиб қол-санг, дарҳол Жалолиддин Румий айтган ҳикматни эслагин. Керакли жойларда ҳам, юзма-юз учрашган пайтингда ҳам Абдулла Орипов-нинг сўроқлаб қўйишни унутма-гин. Билиб қўй, ўзбек билан қора-қалпоқ халқининг қадимий илди-лари битта бўлиб, улар оға-ини-лардир. Улар абадул-абад бирга яшайдилар!»

Хуллас, устозимнинг сўзлари қулоқларим остида қайтадан жа-ранглагандай бўлди ва юрагим

зарингиз тугаган бўлса, тадбирин-гиз ҳам тугаб қолдими?» деб жа-воб ёзиб юборган экан. Сўнгра Амир Темури хийла ўйлашиб, суяк-дан танга ясаб лашкарнинг руҳи-ни кўтарибди-да, бир неча кун ичи-да Исфохонни забт этибди... Уғлим, нима демоқчи эканимни ту-шудингми? Ҳозирги ўтиш даври-да эл-юрт бошида қанча қийинчи-лик бўлса ҳам, аммо Исло-м Каримов барибир битта оқилона йўл топа-диган раҳбар. Исло-м Каримов — бугунги Амир Темури, у халқни тўйдиради, дўстларини ноумид қолдирмай атрофига тўплайди, де-ган эди отам.

1995 йилнинг кузида Марказий Осиё республика-ларидан адабиёт, маданият, илм-фан намояндалари Тошкентга та-қлиф этилди. Исло-м Каримовнинг шахсий ташаббуси билан «Туркис-тон — умумий уйимиз» шиори ости-да халқро анжуман бўлиб ўти-ши керак эди.

Бу анжуман Тошкентда ўтаётган бўлишига қарамасдан, унинг ҳара-катларини йўналтириб турадиган раҳбарни этиб Туркистон халқлари-нинг ифтихори бўлиш, атоқли ёзувчи Чингиз Айтматов сайланди. Бу янгиликни эшитган анжуман иш-тирокчилари қалбида Исло-м Каримовга нисбатан ишонч ва

дилад. Уғри тахтиравонда ўтирган подшога юзма-юз қилинади. — Ҳўш, гапир-чи, нега хазинам-дан ҳеч нарса олмадсан кетдим? Нима бало, менинг хазинамда на-зарга илинадиган бойлик йўқми-кан? — деб сўрайди подшо.

— Эй, подшо, бебаҳо хазинам-гиз бор экан, бойликларингизни қўриб қўзларим қамашиб кетди. Аммо мен сизнинг тузунгизни алаб қўйдим. Туз ялаган хонадондан би-рор нарсани ўғирлаш ноқўрлик бўлади. Тўғри, мен ўғирман, ле-кин ноқўр эмасман, — деб жавоб беради ўғри.

Шундан кейин подшо ўша ўғри-ни хазинахонага қорувол этиб тай-инлаган экан ва: «Уғри бўл, аммо инсофли бўл», деган гап ҳам ушан-да пайдо бўлади.

— Урток Қайпбергенов, афсона-дан чиқариладиган хулоса шундан иборатки, — деди делегация аъзо-си, — сиз кичик бўлса-да, битта республиканинг вакили бўлишин-гизга қарамасдан, Ўзбекистоннинг тузини ялаганингиз учунми, боз ус-тига, Исло-м Каримов ўзимга му-носиб лавозим бераар, деган илнжда Президент ёғосини қўллаб-қувватлаб ўтирганингизни тушуниш мумкин. Мен сизга фа-қат қойил қоламан!

Албатта, қаминга «қиссадан

этиқод қўйганини ҳисобга ол-ган Робия бир қўлида машъала, бир қўлида сув кўтариб кўчага чиқади. Оломон тўпланиб турган жойга бориб: «Ҳой, одамлар, Оллоҳга ишонинглар! Бирок, Оллоҳ таолонинг дўзахидан қўриб ёки жаннатдан умидвор бўлибгина яшаманглар. Агар гап фақат дўзах билан жаннатга бо-риб тақаладиган бўлса, мен дўзахга сув селиб ўчираман, мана бу қўлимдаги машъала би-лан эса жаннатни ёқиб юбора-ман!» деб оламга жар солади Робия. Дарҳақиқат, агар одам Оллоҳга имон келтирса, унинг дўзахидан қўриқиб ёки унинг жан-натидан таъма истаб эътиқод қўймаслиги лозим. Оллоҳ таоло-нинг биру борлигига, яғонали-гига, меҳрибонлигига ишонган ҳолда эътиқод қўйилса, чиройли бўлади. Қанийди, ҳозир мен со-па-соғ бўлганимда, буюк шоира Робия жасоратидан илхомланиб Ўзбекистон бўйлаб шаҳарма-ша-ҳар, қишлоқма-қишлоқ юриб: «Президентимиз — бебаҳо шахс. Инсонлар, унинг ниятлари пок! Бугун сохибқирон Амир Темури васиятларига содиқ қолиб, ке-лажаги буюк давлат барпо этиш учун фидокорлик намуналарини кўрсатаяпти!» деб дунёга жар солгим келаяпти. Афсуски, саломатлигим бун-га йўл қўймапти, — дедилар.

Зулфия опанинг сўзлари мени тўқилантириб юборди, қўзларим ёшланди. Сўнг опага соғлик-сало-матлик талаб хайр-хўшладим.

Қорақалпоғис-тонга келдим. Кунлардан бир кун иш пайтлари Эллиқалъа тумани ҳокими бўлган Аминбой Тоғжиев билан тўсатдан уч-рашиб қолдик. Умумий мавзу-ларда узок суҳбатлашдик, охири Тошкентда бўлиб ўтган анжуман ва Исло-м Каримовнинг сай-ҳара-катлари ҳақида фикр алмашдик.

— Тўлпбергенов оға, ҳар гал қўришганимизда сиз менга ал-батта битта ривоят айтиб бера-сиз. Энди сиз ҳам эшитинг, ўзим сизга бир ривоят айтиб бера-ман, — деб қолди Аминбой Ҳам-роевич.

— Бажонидил эшитаман, иним, — дедим. **РИВОЯТ.** Бир кун иш ҳазрат пайгамбаримиз Муҳаммад Муста-фа Макка шаҳрининг аҳолиси тунда нима билан машғул бўли-шини билиш учун алламаҳалда кўчага йўл оладилар. Шаҳар аҳолиси ширин уйкуда экан. Би-рок, боши узра фонус кўтариб юрган бир киши кўча-қўйда со-чиқиб ётган қанч тошларни, ти-коларини териб юрганини қўриб қолди. Албатта, пайгамбаримиз ҳайрон бўладилар. Сўнг аста юриб ўша кишининг ёнига бо-радилар. «Ҳой, инсон, улама-сдан нима қилиб юрибсан?» деб сўрайдилар. «Эй, Рабулulloҳ, кундузи кўча-қўйда қорадиган ялангоёқ гариблар билан бола-ларнинг оёқларини қағиртош ти-ли юбормасин, тикон кирмасин деб, шуларни териб қўрибман», дейди фаршор. «Шу ишларин-ни кундуз кун иш бахсаринг-ку, одамлар ҳам қўрар эди, сенга раҳматлар айтишарди», дейди жаноб пайгамбаримиз. «Эй, Ра-булulloҳ, мен бу ишларим учун ҳеч қимдан ҳақ талаб қилмай-ман. Биласиз, одамлардан раҳ-мат эшитишини таъма этиб қилинган ҳар қандай иш пул та-лаб қилиш билан баробар бўла-ди», дейди у. Шунда пайгамба-римиз боғи кишининг елкасига қўлини қўйиб: «Умматим, кел-ажда ҳар бир шаҳарда, ҳар бир қишлоқда сенга ўшаган одам-лар қўллаб пайдо бўлади», де-ган эканлар. Ҳудди шундай тар-зда мен Исло-м Каримов ҳақида ўйласам, унинг ишларини бир-бир кўз ўнгимдан ўтказсам, бе-ихтиёр ўша ривоят эсимга туша-ди. Президентимиз ўзининг бар-ча эзгу ишларини қилардандир раҳмат эшитиш учун эмас, бал-ки мисоли ўша ривоятдаги одам-ларни ҳар хил бало-қазолардан асраш тўғрисида қайғуради. Тўлпбергенов оға, Ўзбекистон халқи Юртбошимизнинг кўнгли-даги гапларни тўғри англаб, бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қи-лса, иншонч қомилки, мамлака-тимиз дунёдаги буюк давлатлар қаторидан ўрин олишга ҳеч қан-дай шак-шубҳа йўқдир!..

Мен ҳаётимнинг турли бо-сқичларида дуч келган учра-шувларни эсласам, турли тоифа-га мансуб одамлар томонидан айтилган фикр-мулоҳазаларни ақл-ндрок тарозисида салмоқлаб қўрсам, ҳақиқатан ҳам, Ўзбекис-тоннинг келажиги, ўзбеклар би-лан бир ола-онанинг фарзанд-лари қаби бақамти яшайётган ме-нинг заҳматкаш қорақалпоқ хал-қимнинг ҳам келажиги буюк эканлигига чин қўнғилдан ишо-наман!

РИВОЯТ. Одамлар ислом ди-нига ҳар хил мақсадларни қўллаб

Тўлпбергенов КАИПБЕРГЕНОВ, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Халқ ёзувчиси

АФСОНАГА ТАЛЛИНГАН ЮРТТИМ

(«Қалбимнинг қомуси» китобидан)

ҳаприккиз Абдулла Ориповга сим қоқдим.

— Исло-м Каримовнинг Прези-дент этиб сайланиши ўзи учун, халқ учун ютуқми ёки ютуқ эмас-ми? — деб сўрадим ундан.

— Ютуқ! Ўзбекистон халқининг бахти очилганидан бўлди! — деди Абдулла Орипов.

— Қандай қилиб?

— Исло-м Каримов кучли иқти-содини. Бунинг устига, туркий халқ-ларнинг, хусусан, ўзбек халқининг тарихини жуда яхши билади. Исло-м Каримов теран фикрлайди-ган инсон. Менимча, у улуғ бобо-ларимиздан ўрнак олган ҳолда иш юрилтади. Сўнгги 70 йил давомида халқимизнинг унутила бошланган тарихини, буюк алломаларимиз ва сохта атеистик таълимот тўғрисида бир четга суриб чиқарилган ажо-йиб шоирларимизнинг номларини тиклайди, деб ишонаман. Биласиз-ми, ўзбек халқининг тарихи Мар-казий Осиёдаги бутун туркий халқ-лар тарихи орасида алоҳида аж-рალიб туради. Сабаби, у аллақан-чоқ ўтқоқлашган, ўзига бек бўлган халқ. Шу боис ҳам «ўзига бек — ўзбек» бўлиб дунёга танилган бўлса, ажаб эмас.

— Сиз у билан суҳбатлашган-мисиз?

— У киши мен турлиб ўсган Қаш-қадарё вилоятда раҳбар бўлиб ишлаганлар. Менинг отам — Ориф бобо узок йиллар қолхозда етак-чилардан бўлганлар, туманимизда ҳурматли оқсоқоллардан. Шу боис отам вилоятимиз раҳбарининг сўзларини кўп бора тингладим. Ҳўш суҳбатлар натижаси ўларок отам менга гоҳида насиҳат қилардилар ва: «Уғлим, худойим сенга шоир-лик иқтидорини берди. Бу ниҳоят-да улуғ мартаба. Сен энди раҳ-барларни тушунишга ҳаракат қил-гин. Масалан, Исло-м Каримовнинг мана бундай гаплари эсимда. Бит-та суҳбат чоғида у киши: «Ўз та-рихини билмаган халқнинг келаж-аги бўлмайди. Одам ўзлигини та-ниши учун, аввало, халқ тарихини билиши керак. Агар халқ ўз та-рихидан жудо бўлса, ўз илдиридан ажрალიб қолади», деган эдилар. Тўлпбергенов оға, агар отамнинг менга айтган насиҳатларидан ҳу-лоса чиқарадиган бўлсам, Исло-м Каримовнинг Ўзбекистонга Прези-дент этиб сайланиши фақат Ўзе-бекистон учун эмас, балки бутун ми-ната — бутун Туркистон учун жуда катта ютуқдир! Халқимизнинг бо-шини қувуштиришга ишонаман.

Тошкентдаги учрашувларимиз-дан бирида Абдулла Орипов билан хийла сирлашиб ўтирдик. Шун-да мен яна Ориф бобонинг Исло-м Каримов тўғрисида айтган гаплари-ни эслатдим-да: — Абдуллоҳаю, мабодо Ориф бобо ҳам шоир эмасми? — деб сўрадим.

— Отам шоир бўлмаса ҳам, ле-кин кўпни кўрган донишманд зот эди. Мана, ҳозир отам айтган бир ривоятни мен сизга айтиб бера-ман. Ундан қандай хулоса чиқар-ишни ўзингиз биласиз.

РИВОЯТ. Амир Темури Исфохон шаҳрини қамал этиб турган кез-ларда унинг озик-овқат захираси тугай бошлади. Шунда Саройму-лхонимга: — Бибихонимга чопар юбориб, ундан тилло-зар сўрата-ди. Сохибқирон ёзган мактубни ўқиган Сароймулхоним ўша хат-нининг орқа томонида: «Улуғ амрими,

меҳр-муҳаббат янада ортиб кетди. «Ниҳоятда олижаноб иш бўлди», деган эътирофлар айтилди. Хул-лас, эртага анжуман бошланиши арафасида ўтказилган ташкилий масалаларга бағишланган мажлис чоғида Чингиз Айтматов бундай деди:

— Дўстлар, бизнинг барчамиз Туркистон тулпроғининг фарзанд-ларимиз. Биласиз, СССР бирўйла тарқалди. Илгари ҳар бир респу-бликанинг эшик-деарзалари Москва — Россияга қаратилган эди. Бугунги Марказий Осиё республи-каларининг ҳар бири ўзи хоҳлаган тарафдан эшик, ўзи хоҳлаган та-рафдан дераза очиб оляпти. Биз — руҳият хизматкорлари бир ёқадан бош чиқариб, эшикларимиз-ни бир-биримизга қаратиб оқиш учун тайёргарликларни бош-лаш мақсадида тўпланиб ўтириб-миз. Мавжуд мазнавий кучларимиз бирлаштирилса, эшик ва дераза-ларимизни бир-биримизга қаратиб очишимиз мумкин бўлади. Бундай эзгу ният шахсан мени ниҳоятда қувонтириб юборди. Шунинг учун барчамизнинг кўнглимизга қувонч солган Ўзбекистон Президентини Исло-м Каримовга чин дилдан ми-натдорчилик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Чингиз Айтматовнинг кириш сўзидан кейин ҳар хил фикр-му-лоҳазалар билдирилди. Ҳар бир миллий республиканинг вақилари ўз нутқида ўзларининг муам-моларини ўртага қўйди. Биров Ос-тонани, бошқаси Ашхободни, ун-чинчиси Бишкекни, тўртинчиси Душан-бени назарда тутиб гапирди. Шун-дай қилиб, битта ниятини кўнглига туғиб келган, бир динда бўлган туркистонликларнинг ҳар қайсиси қарам-қарши мулоҳазалар баён этиди. Шу тарзда бир тўхтамагач келинмаган, яна бир бора фикр ал-машиб олиш учун танаффус эълон қилинди. Танаффус пайтида деле-гация аъзоларидан бири менинг ёнимага келиб: «Битта афсона айт-сам, эшитасизми?» деб қолди.

— Бўпти, эшитаман, — дедим. **АФСОНА.** Қадим замонда донг таратган битта ўғри бўлган экан. У подшонинг хазинасидан ҳам би-рор нарсани ўмариб кетишни ар-мон қилиб юради. Афсуски, хази-нага ўғрича кириб олиш эҳтимо-ли йўқ ҳисоби экан. Уғри ўйлаб-ўйлаб охири олис бир жойни та-на-лай-да лаҳж қазиб, хазинахона остидан йўл очади, ярим кечаси хазинахонага қиради ҳам. Ғира-шга ёритилган хазинахонада тил-ло ёмбилар, зар ва гавҳарлар қаторида ажабтовир бир нарса ялт-юлт этиб турган экан. Ҳўш на-рса хатто гавҳардан ҳам ёрқинроқ нур таратарди. Уғри ўша нарсани қўли билан силаб кўради, чертиб кўради, лекин нима эканини бари-бир билмайди. Шунда тили билан ялаб қўради. Ялласа, туз экан. Шун-дан сўнг ўғри хазинахонадан ҳеч нарса олмадсан ўзи қазиб қўйган лаҳждан изига қуруқ қайтиб кетади.

Эртаси кун иш подшонинг хазина-сига ўғри тушганини овоза бўлиб кетади. Бирок, ўғри тер тўкиб, ази-ят чекиб лаҳж қазиган бўлса-да, хазинадан ҳеч нарса олимагани маълум бўлади. Бунга салимати ян-гиликни эшитган подшо ернинг ости-дан бўлса ҳам ўша ўғрини то-пиш тўғрисида махсус фармон бе-ради. Албатта, подшо истагандан сўнг, дарҳол ўғрини топиб кел-

— Исло-м

2000 йил — турфа ҳодиса-ю воқеа, ихтиро-ю янгиликларга бой бўлган XX асрнинг сунги йили. 2000 йил — Олимпияда йили. Демак, бугун дунёда қанча спортчи ва соҳа мутахассислари, мураббийлари борки, барчасининг асосий эътибори саралаш беллашувларида мусобақачилик катнашиб, ана шу биринчи рақамли мусобақага йўланма олишга қаратилган. Зеро, спортчиларнинг ўзлари таъкидлаганларидек, Олимпиядада нафақат ғолиб бўлиш, балки иштирок этишнинг ўзи ҳам катта шараф.



дан тортиб бутун дунё спорт жамоатчилиги таъсирини сезиб қолди ва кичик олимпиада деган ном олди.

Утган йилнинг апрел ойидаги Осиё давлатлари олимпиада кўмиталари бош қотиблари кенгаши Тошкентда ташкил этилган ҳам мамлакатимизнинг спорт соҳасида қисқа фурсатда катта ютуқларга эришганини эътиборга олади.

Осиё Олимпиада кенгашининг Марказий Осиё минтақавий бўлимининг ташкил этилишида ҳам Ўзбекистон ташаббус

СИДНЕЙДА ТУТАШАР ЙЎЛЛАР

Атлантада ўтказилган Олимпиада уйинларида илк бор катнашган мамлакатимизнинг 76 нафар спортчиси ана шундай катта шарафга мувожаз бўлишган эди. Ҳўи, бу йил олис Австралиянинг Сидней шаҳрида бўлиб ўтаётган навбатдаги баҳсларда республикамиздан қанча вакил иштирок этади?

Миллий олимпиада кўмитасидан олинган маълумотларга қараганда, ҳозиргача 36 нафар спортчимиз Сидней Олимпиадасига йўланма нақд қилиб қўйилган. Шундан 11 таси энгил атлетикачилар, 8 таси боксчиларга, 5 таси эркин курашчиларга тегишли бўлса, қолганлар уқ отиш ва юн-рум курашчиларимиз 3 тадан, сувда сузғучилар 2 та, дзю-до (эркаклар), оғир атлетика, трамплин ва байдаркада эшакка ашқуларча 1 тадан йўланма кўмитага киритилган.

Мутахассис ва мураббийларнинг фикрича, ҳали уларнинг сафи янада кенгайиб, саралаш баҳслари якунига етгунча тахминан 65-70 кишига ети-

қурсатди. Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг 5 та вакили Осиё Олимпиада кенгашининг турли кўмиталари аъзоллигига қабул қилинган. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан ҳам мамлакатимизда Олимпиада ҳаракатини янада оммалаштиришга эътибор қаратилгани юқоридаги фикрларимизнинг исботидир.

Австралия, Сидней диёри миздан ана узоқда. Бироқ ҳушқабарнинг қаноти бор дейишадди. Шунинг учун ҳам ният қилмадикки, спортчиларимизнинг бу ерда мусобақачилик кўрсатиши шу кунгек, бутун дунёга тарқалади, олам узра яна бир бор ЎЗБЕКИСТОН деган ном янграйди. Ана шу кунларни кўриш ҳаммамизга насиб қилсин.

Озод БЕК,
«Жалқ сўзи» муҳбири.

ВЛАДИМИР ПУТИН — РОССИЯНИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ

26 март кунин Россияда президент сайлови бўлиб ўтди. Халқро жамоатчилиги Россиядаги сийсий жаранларнинг янги босқичини бошлаб берадиган давр сифатида баҳолаётган бу тадбирда мамлакатнинг янги президенти аниқланди. Давлат раҳбари этиб Владимир Путин сайланди.

Россияда сўнгги ойлардаги сийсий ҳаёт жуда қайноқ кечди. Зеро, Россияда бой ва улкан мамлакат тизгинини ўз қўлига олишни ким ҳам хоҳламайди, дейсиз? Бу мақсад унун от сурганлар аввалига 12 киши эди, сайловга бир неча кун қолганда улар сони биттага қамайди. Фақат сайлов арафасидагина сийсатчи сифатида номи тилга олина бошланган Е.Севостьянов мазкур тадбирда иштирок этишдан воз кечди.

Таъкидлаш жоиз, мамлакатнинг олдинги президенти Борис Елцин утган йили 31 декабрда ҳошимиятини қўйилмаганда ҳукумат бошлиғи В.Путинга топшириганда, унинг бўлажак президентлик сайловда ғолиб чиқишига кўпчилик шубҳа билдирган эди. Чунки катта сийсат майдонига утган йилнинг август ойида, Россия ҳукумати раҳбари этиб тайинлангандан сўнггина, кириб келган бу шахс кўпчилик унун «синалмаган от» бўлиб туюлган эди. Аммо В.Путин ўзининг давлат хавфсизлик кўмитасининг офицери бўлган жа-

Шарҳловчи минбари

моғчилик ўртасида тез эътиборга тўша борди. Утган яшанба кунин бўлиб ўтган сайлов эса унун мамлакатдаги энг машҳур сийсатчи эканлигини намойиш қилди.

Сайлов арафасида кўплаб кузатувчилар Россиянинг янги президентини аниқлаш сайловнинг иккинчи турига қўлишини баъшорат қилган эди. Мамлакат марказий сайлов комиссиясининг дастлабки маълумотлари эса Владимир Путин 52 фоиздан кўп сайловчининг овозини олишга муваффақ бўлганини дағи асосий рақиб, коммунистлар раҳбари Геннадий Зюганов навбатдаги қақшатқич маълумият учради. У 30 фоизга яқин сайловчининг овозини олишга эришди, холос.

Таъкидлаганимиздек, халқро жамоатчилиги Россиядаги сайлов натижалари мазкур давлатда янги сийсий босқични бошлаб беришини айтмақда. Бу гапда жон борлигини Россия ташқи ишлар вазири И.Ивановнинг 27 март кунин берган баъшоти ҳам тасдиқлаб турибди. У янги президент сайловини муносабати билан Россиянинг ташқи сийсатда ўзгартириш бўлишини ошқандан-ошқ айтди. Бироқ бу ўзгариш нисаларда, намоеён бўлишини ҳали аниқ баъшорат қилиш қийин.

Анвар КАРИМОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

РАДИОЧАСТОТА СПЕКТРИДАН ФЙДАЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиғи

ЭЛЕКТРОМАГНИТ МУТАНОСИБЛИГИ МАРКАЗИ

радиочастота спектри фойдаланувчиларига 2000 йилнинг 1 апрелидан бошлаб тарифлар уларнинг индекслари ўртача 1,6 маротаба ошган ҳолда ўзгартиришни маълум қилади.

Кўшимча маълумотларни 137-63-71 телефони орқали олишингиз мумкин.

Электромгнит мутаносиблик маркази.

«ЯНГИЙЎЛ ЁФ-МОЙ» ҲЖ

29 апрель 2000 йил соат 10.00 да Янгийўл шаҳар маданият уйида (Самарқанд кўчаси, 190-уй) акциядорларнинг навбатдаги йиллик мажлиси бўлишини маълум қилади.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш соат 9-00 дан бошланади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Дирекциянинг 1999 йилги молия-ҳўжалик фаолияти якунлари ҳақида ҳисоботи.
2. Йиллик баланс ва 1999 йилги соф фойда ва зарарларни тасдиқлаш.
3. Тафтиш комиссиясининг 1999 йил учун ҳисоботи ва уни тасдиқлаш.
4. 1999 йил якуни бўйича мустақил аудиторнинг ҳулосасини тасдиқлаш.
5. 1999 йил молия-ҳўжалик фаолияти якунлари бўйича соф фойдани тақсимлаш.
6. Жамиятнинг 2000 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2000 йил учун мустақил аудиторини тасдиқлаш.

Мажлисида қатнашишга ҳақли акциядорлар рўйхатини тузиш санаси — 2000 йил 28 март.

Кун тартибиде белгиланган масалар бўйича тутилган саволларга акциядорлар куйидаги манзил бўйича жавоб олишлари мумкин: Янгийўл шаҳар, Самарқанд кўчаси, 352-уй, «Янгийўл ёф-мой» ҲЖ, тел. 2-63-94

Кузатув кенгаши.

«ЯНГИЙЎЛ ЁФ-МОЙ» ҲЖ нинг 1999 йил учун баланси

АКТИВ	минг сўм ҳисобида	ПАССИВ	минг сўм ҳисобида
Узоқ муддатли активлар		Ўзлик маблағ манбалари	362983
Асосий воситалар	272879	Мажбуриятлар	279107
Капитал куйилмалар	16714		
Бошқа активлар	3506		
Жами 1 бўлимда	293099		
Айланма активлар	348991		
БАЛАНС	642090	БАЛАНС	642090

The Counterpart Consortium Program in Kokand, Uzbekistan supporting non-governmental organizations is seeking a motivated, multilingual candidate for the position of:

Program Assistant

Requirements:

- University degree
- At least 2 years of office experience
- Knowledge of office equipment (copier, faxes, etc.)
- Good computer skills (Windows 95, Word, Excel, etc.)
- Fluency in English, Uzbek and Russian languages
- Availability to travel throughout the country as needed
- Organizational skills and the ability to work in a team environment.

Women are encouraged to apply.

Applications should be submitted by april 5, 2000 to the Counterpart Consortium office in Kokand.

Addresses:

1) 25, Istiqlol Street, 3rd floor, room # 5, Kokand 713000.
Tel/Fax: (37355) 26 924
E-mail: ngo@cpart.kokand.silk.org

2) 1A, Komus Street, Fergana 712000
Abt Associates Inc.

Нодават ва нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш бўйича иш олиб борадиган "Каунтерпарт Консорциум" Америка халқро фонднинг Қўқон бўлими - **Дастур ассистенти** ловозимига конкурс эълон қилади:

Номзодларга талаблар:

- Олий маълумот
- Қамида 2 йиллик офисда иш юритиш бўйича тахриба
- Офис қуролларини ишлатиш билими (ксерокс, факс ва бошқалар)
- Компьютерда ишлаш билими (Windows 95, Word, Excel ва бошқалар)
- Инглиз, ўзбек ва рус тилларини мукамал билиш
- Ўзбекистон бўйича сафарларга тайёр бўлишлик
- Ташкилотчилик ва командада ишлаш қобилияти.

Аёлларга устуворлик берилади.

Аризаларни 2000 йил 5 апрелгача Каунтерпарт Консорциумнинг қўйидаги манзилларига юборишингизни илтимос қиламиз.

Манзиллар:

1) 713000, Қўқон шаҳри, Истиклол кўчаси, 25-уй, 3-қават, 5-хона.
Тел/Факс: (37355) 26 924
Электрон почта: ngo@cpart.kokand.silk.org

2) 712000, Фарғона шаҳри, Қомус кўчаси, 1а-уй «АБТ Ассоциэте» Фонди.

ЎТ АРАВАДА 407 ҚОП

Австриянинг Калин ҳудудиде истикомат қилувчи Кеппрад Хильдюринд исмли фермер аравада оғир юк ташиш бўйича ўзига хос рекорд ўрнатди. У ўн бешта от қўшилган аравада 407 қоп галани жойлаштирди, юкнинг умумий вази 35 тонна эди.

ТС-Технология

Сизнинг истагингиз биз учун фармон!

ТС TECHNOLOGY

компьютерлар ва компьютер технологиялари

Самарқанд ш., А.Темур к., 222, тел.: (3662) 220954, 228257, факс: (3662) 222475, 213292, E-mail: tstech@online.ru.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раҳбарияти ва жамоаси Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б.И. Бутрова онаси **Мария Филипповна БУТРОВА**нинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия илҳор этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси суди жамоаси республика Олий ҳўжалик судининг раиси **Абдулсаломов Мирзоуллубек Элчиёвичининг** падари бузруквор **Элчи ота АБДУСАЛОМОВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия илҳор этади.

Ўзбекистон телерадиокомпаниясини жамоаси «Умид» бош муҳаррирининг дошенти **Жовли Абдухалиқов**га падари бузрукворларини, уруш қатнашчиси **Абдухалиқ ота ЖАЛИЛОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Молия институтини жамоаси «Мъланавит ва философа» кафедрасининг дошенти **Жовли Абдухалиқов**га падари бузрукворларини, уруш қатнашчиси **Абдухалиқ ота ЖАЛИЛОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия илҳор этади.

«Ўзгўшустевоанот» уюшмаси жамоаси ва раҳбарияти меҳнат фарииси **Жўрабой ТЕШАБОВ**нинг вафоти этганини муносабати билан марҳумнинг оида аъзоларига чуқур таъзия илҳор қилади.

Геодезия, картография ва давлат кадастри хайъати ва марказий аэрогеодезик корхонасини жамоаси корхона директори **Илҳомбек Хўжаева** отаси **Вали Хўжаев**нинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

«ЖАЛҚ СҮЗИ»

НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Аббосхон УСМОНОВ**

Тахрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Жалқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Жалқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёр, И. Шогуломов, О. Қанпбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), У. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Хатлар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 196. 27017 нуسخада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.

Қороз бичими А—2

Газета ИВМ компьютерда терилди ва операторлар **Сергей ЛУКИН** ва **Жамил ТЎРАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Тахририятда ҳажми 5 қопдан зиёд материал қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.

Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.

Навбатчи — А. Шокиров.

Мусаххач — А. Сатторов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00

Босишга топширилди: 21.50

1 2 3 4 5 6